

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ТАРИХИЙ РЕКОНСТРУКЦИЯ МАСАЛАЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент – 2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: Р. Сулейманов, ЎзМУ Археология кафедрасининг
профессори
Ш. Шоназаров, ЎзМУ Археология кафедрасининг
катта ўқитувчиси

Тақризчилар: А. С. Сагдуллаев, ЎзМУ Археология кафедрасининг
академики
Ф. Очилдиев, ЎзМУ Археология кафедрасининг
доценти

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг
қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли
баённомаси)*

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулниң мақсади ва вазифалари

Модулниң мақсади: “Тарихий реконструкция масаласи” предмети, мазмун – моҳияти тўғрисидаги магистрларга умумий тушунча бериш, фанга

оид маълумотлар, янги назарияларни ўрганишда илмий жиҳатдан ёндашиш, тадқиқот кўламининг ўсиши, ва билимлар доирасининг кенгайиб боришини аниқлаш, маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш усулларини ўрганишдан иборат.

Модулнинг вазифалари: тарихий манба сифатида, уларни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиш аҳамияти, ижтимоий – иқтисодий тизимнинг реконструкцияси этномаданий жараёнларни тиклаш, археологияда тарихий реконструкцияга доир илмий қарашлар ва ёндошувлар ҳақида чуқур билим беришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- археологик материалларни тарихий манба сифатидаги ўрнини;
 - уларни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилишни;
 - ишлаб чиқариш хўжаликларни (деҳқончилик, чорвачилик ва бошқалар) ўрганиш усулларини;
 - замонавий илмий назарияларни;
 - археология маълумотлар ва палеодемография масаласини;
 - иқтисод тарихини умумлаштириш, тиклаш муаммоларини;
 - дафн маросимлари, одатлари ва қабрларда топилган буюмларнинг тарихий реконструкцияси жараёнидаги аҳамиятини;
 - археологияда тарихий реконструкциянинг аҳамиятини *билиши* керак.
 - қадимий жамиятлар хўжалигини ўрганишда тизимли ёндошув;
 - Марказий Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши хусусиятларини археологик маълумотлар асосида ёритиш;
 - ижтимоий – иқтисодий ва маданий тараққиёт тарихини археология манбалари асосида реконструкция йўналишларини билиши ва мавжуд илмий маълумотлардан фойдалана олиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.
 - хунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишининг технологик шарт – шароитларини ўрганиш;
 - ҳаёт шароити, инсон турмуш тарзи ва маданиятини тиклашда археологик маълумотлардан фойдаланиш;
 - айрибошлаш ва савдо–сотиқнинг тарихий реконструкциясини ўрганиш;
 - палеодемография ва иқтисод, ижтимоий тараққиёт тарихининг археология манбалари асосида реконструкция қилишни билиш;
 - илк шаҳарлар ва давлатларнинг археологик белгиларини англаш каби *малакаларига* эга бўлиши лозим.
- фан доирасидаги ўқув илмий аҳборотни, муайян маълумотларни хронологик жиҳатдан ажратиб қиёсий таҳлил қилиш ва умумлаштириш тизимларидан фойдаланиб таълим жараёнини бошқариш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, ўтказиладиган амалий ва кўчма машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Тарихий реконструкция курси ўқув режадаги Палеоэкология ва цивилизация динамикаси, Жаҳон археологияси, Ўрта Осиё археологиясининг долзарб муаммолари каби мутахассислик фанларининг соҳалари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда янгича ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир янги билимларга эга бўлишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория уқув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғуло	Кўчма машғуло
1.	Фаннинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги, археологик материаллар – тарихий манба сифатида.	2	2		
2.	Қадимги жамиятлар хўжалигини ўрганиш муаммолари	4	2	2	
3	Илк зироатчилар жамиятида жамоатчилик хунармандчиликнинг шаклланиши	2		2	
4	Ижтимоий тараққиёт тарихини археология манбалари асосида реконструкцияси	4	2	2	
5	Уй - жойларнинг эволюцияси ва уларнинг ижтимоий тараққиёт билан алоқадорлиги	2		2	
6	Қадимги эътиқодлар ва диний қарашларнинг ўрганиш муаммолари.	2		2	
7	Илк шаҳарлар ва давлатларнинг археологик белгилари	4	2	2	
	Жами:	18	8	10	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Фаннинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги, археологик материаллар – тарихий манба сифатида (2 соат).

- 1.1. Археологик материаллар – тарихий манба сифатида.
- 1.2. Археологик маълумотларни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилишнинг илмий аҳамияти.

2-мавзу. Қадимги жамиятлар хўжалигини ўрганиш муаммолари (2 соат).

- 1.1. Қадимий жамиятлар ишлаб чиқарувчи хўжалигининг ўрганишга оид замонавий илмий назариялар.
- 1.2. Археологик маълумотлар асосида палеодемография масаласини ўрганиш.

3-мавзу. Ижтимоий тараққиёт тарихини археология манбалари асосида реконструкцияси (2 соат).

- 1.1. Иқтисод тарихини ўрганишда археологик ёндошув.

1.2. Маънавий ва маданий тарихни ўрганишнинг археологик манбалари.

4-мавзу. Илк шаҳарлар ва давлатларнинг археологик белгилари (2 соат).

1.1. Илк шаҳарлар ва давлатлар тарихини тиклашнинг моддий асослари.

1.2. Марказий Осиё давлатчилигининг ўрганишдаги замонавий муаммолар ва ёндошувлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Қадимги жамиятлар хўжалигини ўрганиш муаммолари, қадимий жамиятлар хўжалигини ўрганишдаги тизимли ёндошув, ўзлаштирувчи хўжаликлар (термачилик, овчилик, балиқчилик) тарихига оид археологик топилмаларнинг мазмун моҳияти, ишлаб чиқариш хўжаликларни (деҳқончилик, чорвачилик) ўрганиш усуллари, мавзуга оид замонавий илмий назариялар (2соат).

2-амалий машғулот. Илк зироатчилар жамиятида жамоатчилик ҳунармандчиликнинг шаклланиши ҳунар касбини деҳқончиликдан ажралиб чиқишининг технологик шарт – шароитлари, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ривожланиши, археология маълумотлари ва палеодемография масаласи, илк айрибошлашнинг шакллари. Қадимги алоқа йўллари ривожланиши. Археология маълумотлари ва палеодемография масаласи(2соат).

3-амалий машғулот. Ижтимоий тараққиёт тарихини археология манбалари асосида реконструкцияси, иқтисод тарихини умумлаштириш, тиклаш муаммолари, асосий ёндошувлар (2соат).

4-амалий машғулот. Уй - жойларнинг эволюцияси ва уларнинг ижтимоий тараққиёт билан алоқадорлиги (2соат)..

5-амалий машғулот. Дафн маросимлари, одатлари ва қабрларда топилган буюмларнинг тарихий реконструкцияси жараёнидаги аҳамияти. Қадимги эътиқодлар ва диний қарашларнинг ўрганиш муаммолари. Қадимги тош даврида ҳаёт (2соат).

6-амалий машғулот. Илк шаҳарлар ва давлатларнинг археологик белгилари, илк шаҳарлар ва давлатлар тарихига доир археологияда ахборот. Марказий Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши хусусиятларини археологик маълумотлари асосида ёритилиши. Замонавий муаммолар ва ёндошувлар (2соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий ҳулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“**Кейс-стади**” методи «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

Кейс. Африка қитъасида дастлабки ибтидоий одамлар пайдо бўлди. Улар аста-секинлик билан ер юзининг бошқа худудалрига тарқала бошлади. Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:
Дастлабки ибтидоий одамларнинг Африка қатъасидан миграция қилиши ер юзида тарқалашининг сабаблари нималардан иборат.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ➤ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ➤ ахборотни умумлаштириш; ➤ ахборот таҳлили; ➤ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ➤ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ➤ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ➤ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ➤ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ➤ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ якка ва гуруҳда ишлаш; ➤ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ➤ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ➤ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Блиц – сўров” усули

“Блиц–сўров” усулидан фойдаланишнинг мақсади: Талабаларда мантиқий фикрлаш, фан юзасидан берилган маълумотлар орасидан кераклигини ажрата олиш қобилиятини шакллантириш, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўткази олиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олиш каби кўникмаларни, тарихий жараён кетма–кетлигини аниқлаш орқали шакллантириш.

Ўтказиш технологияси:

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1. Ўқитувчи талабаларга ушбу машғулот, бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тушунча беради. Ҳар бир босқичдаги вазифани бажаришга аниқ вақт берилиши ва ундан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Тарқатма материаллар тарқатиб, талабаларга уни синчиклаб ўрганиш зарурлигини айтади.
2. Талабалар дастлаб тарқатма материалдаги “Якка баҳо” бўлимига ўзининг шахсий фикри асосида мантиқий кетма–кетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади. Унга 5 минут ажратилади.
3. Талабаларнинг якка тартибдаги ишлари тугагач, ўқитувчи улардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар тузишини сўрайди. Улар ҳамфикрликда тарқатма материалдаги “Гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадилар. Унга 5 минут ажратилади.
4. Барча кичик гуруҳларда ишлар тугагач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма–кетлиги бўйича тўғри жавобни беради ва талабалар “Тўғри жавоб” бўлимига рақамларни ёзиб чиқадилар.
5. Ўқитувчи “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлар билан “Якка баҳо” ва “Гуруҳ баҳоси” бўлимидаги рақамларни солиштириб, катта–кичиклигини айириб, фарқини чиқариб, “Якка хато” ва “Гуруҳ хатоси” бўлимларига ёзишларини сўрайди.
6. Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради ва уларни алоҳида шарҳлайди.
7. Талабалар тарқатма материалда берилган баллар асосида ўз баҳосини чиқарадилар ва улар журналга қайд қилинади.
8. Машғулот якунлангач, ўқитувчи машғулотни ўтказиш жараёнида талабаларнинг ва гуруҳларнинг фаолияти тўғрисида ўз фикрини билдиради.

Археологик даврлаштириш

(“блиц-сўров” услуги)

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Даврлар номи
					Мезолит
					Илк темир даври
					Бронза
					Ўрта асрлар

					Неолит
					Энеолит
					Антик
					Ашель
					Архаик
					Олдувай

6-5 тўғри жавоб "кониқарли"

8-7 тўғри жавоб "яхши"

9-10 тўғри жавоб "аъло"

Чархпалак технологияси.

1-мисол. Мақсад тингловчиларни дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда баён эта олиш, ўзларини баҳолаш ҳамда якка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклигини танлаб олишга ўргатиш.

Ўтказиш технологияси:

1. Тингловчилар (шароитга қараб) гуруҳларга ажратилади.
2. Ўқитувчи машғулоти ўтказиш қоидаларини таништиради.
3. Тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
4. Дастлаб гуруҳ аъзолари якка тартибда берилган вазифани ишлаб чиқишади ва тарқатма материалнинг ўнг томонига ўз белгисини ёки исми фамилиясини ёзади. Талаба тўғри деб билган жавобини + белгиси билан ручкада белгилаб чиқади. 10 минут ажратилади.
5. Бажарилган вазифа бошқа гуруҳ аъзолари билан алмаштирилади. Улар ҳам тарқатма материалнинг чап томонига ўзининг белгиси ёки исминини ёзиб, қайтадан х белгиси билан тўғри жавобини белгилайдилар. Унга 5 минут ажратилади.
6. Тузатилган, ўзгартирилган материалларни яна бир марта гуруҳлар бўйича алмаштириш мумкин.(гуруҳлар сонига қараб)
7. Охири алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлатган материални танлаб оладилар ва унда белгиланган жавоблар таққосланади ва таҳлил қиладилар.
8. Ўқитувчи тарқатма материалда берилган тўғри жавобни ўқийди ва талабалар уларни ўз жавоблари билан солиштириб борадилар.
9. Ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар ўртасидаги фарқни аниқлаб, тўплаган балани ҳисоблаб, ўзини ўзи баҳолайди.

№	Манзилгоҳларнинг номи	Илк палеолит	Ўрта палеолит	Сўнгги палеолит	Илк мезолит	Сўнгги мезолит
1	Селўнгир					
2	Кўтирбулоқ					
3	Сиёбча					
4	Хўжамазгил					
5	Тешиктош					
6	Сўх					
7	Обирахмат					

8	Учтут					
9	Мачай					
10	Игтакқалъа					
11	Обишир					
12	Хўжакент					
13	Шўркўл					
14	Қайла					
15	Кўшилиш					
16	Мачай					
17	Бўзсув					
18	Зараутсой					
19	Такалिसой					
20	Самарқанд					

9-12 тўғри жавоб "қониқарли"

13-16 тўғри жавоб "яхши"

17-20 тўғри жавоб "аъло"

Чархпалак технологияси.

2-мисол. Мақсад: талабаларни дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда баён эта олиш, ўзларини баҳолаш ҳамда якка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига хурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклигини танлаб олишга ўргатиш.

Ўтказиш технологияси:

1. Талабалар (шароитга қараб) гуруҳларга ажратилади.
2. Ўқитувчи машғулоти ўтказиш қоидаларини таништиради.
3. Тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
4. Дастлаб гуруҳ аъзолари якка тартибда берилган вазифани ишлаб чиқишади ва тарқатма материалнинг ўнг томонига ўз белгисини ёки исми фамилиясини ёзади. Талаба тўғри деб билган жавобини + белгиси билан ручкада белгилаб чиқади. 10 минут ажратилади.
5. Бажарилган вазифа бошқа гуруҳ аъзолари билан алмаштирилади. Улар ҳам тарқатма материалнинг чап томонига ўзининг белгиси ёки исминини ёзиб, нотўғри деб билган жавобларни х белгиси билан тўғри жавобини белгилайдилар. Унга 5 минут ажратилади.
6. Тузатилган, ўзгартирилган материалларни яна бир марта гуруҳлар бўйича алмаштириш мумкин.(гуруҳлар сонинга қараб)
7. Охирги алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлатган материални танлаб оладилар ва унда белгиланган жавоблар таққосланади ва таҳлил қилидилар.
8. Ўқитувчи тарқатма материалда берилган тўғри жавобни ўқийди ва талабалар уларни ўз жавоблари билан солиштириб борадилар.
9. Ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар ўртасидаги фарқни аниқлаб, тўплаган балини ҳисоблаб, ўзини ўзи баҳолайди.
10. Талабаларнинг баҳолари синф журналига қайд қилинади ва машғулоти

тўғрисида ўқитувчи ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

Ибтидоий давр хусусиятларини аниқланг.

(Чархпалак технологияси.)

№	Давр хусусиятлари	Палеолит	мезолит	неолит	энеолит	Бронза
1	Дехқончилик вужудга келган					
2	Ўқ-ёй ихтиро қилинган					
3	Музлик даври ҳукмрон бўлган					
4	Сунъий олов ихтиро қилинган					
5	Сопол ихтиро қилинган					
6	Одамлар ғорларда яшаган					
7	Чорвачилик вужудга келган					
8	Одамлар кўчманчи ҳаёт кечиришган					
9	Неандерталь одам яшаган					
10	Ижтимоий тенгсизлик вужудга келган					
11	Микролит қуроллар ишлаб чақарилган					
12	Суғорма деҳқончилик вужудга келган					
13	Буғулар овланган					
14	Илк шаҳарлар вужудга келган					
15	Мис ихтиро қилинган					
16	Макролит қуроллар ишланган					
17	Нуклеуслар ишланган					
18	Мустаҳкамланган қишлоқлар в/к					
19	Патриархат даври бошланган					
20	Қоя тош суратлар					

кўп ишланган					
--------------	--	--	--	--	--

9-12 тўғри жавоб "қониқарли"
 13-16 тўғри жавоб "яхши"
 17-20 тўғри жавоб "аъло"

2. “Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин. Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

Тест	Қиёсий таҳлил
1. Археология атамаси илк бора ким томонидан қўлланилган? А. Афлотун В. Геродот С. Гиппарх D. Арриан	Археология ва Antiquaries атамаларини қиёсий таҳлил қилинг
Тушунча таҳлили	Амалий кўникма
Археология атамасини изоҳланг.....	Археологик ёдгорликлар турларини таснифлашни ўрганинг

3. “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- ✓ иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ✓ ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар

- ✓ номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ✓ ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай
- ✓ ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- ✓ белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг
- ✓ тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;
- ✓ ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий
- ✓ муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини
- ✓ текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Археологияда таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади	Қўшимча маълумот
Археология	Архайос-қадим ва логос-фан яъни ўтмиш ҳақидаги фан деган маъноларни англатади	
Antiquitates	Римлик муаллифлар юнонча археология термини ўрнида antiquitates-қадимиёт терминини қўллашган.	
Antiquaries	Римлик муаллифлар юнонча antiquitates-қадимиёт соҳаси вакиллари эса «antiquaries» - антикварий, яъни қадимий топилмалар хаваскорлари дея аташган.	
Олдувай, ашель, мустье ва сўнгги палеолит	Археологик давр хисобланмиш палеолит яъни қадимги тош даври босқичлари	

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Фаннинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги, археологик материаллар – тарихий манба сифатида

Режа:

- 1.1. Археологик материаллар – тарихий манба сифатида.
- 1.2. Археологик маълумотларни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилишнинг илмий аҳамияти.

Таянч иборалар: ёзма манбалар, этнографик тадқиқотлар, ашёвий манба, палеогеография, палеоботаника, палеозоллогия, тарихий ва этник географияси, ёдгорликлар картографияси

Ёзма манбалар ва этнографик тадқиқотлар қадимги жамиятларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнларини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Бироқ, ёзув номаълум бўлган ва илк ёзув ривожланган даврлар тарихини қайта тиклаш кўпроқ археологик маълумотлари билан боғлиқдир. Улар ашёвий манба сифатида муайян ўтмиш босқичлар маҳсулоти бўлиб, турли тарихий даврлар ҳақида турлича ахборотни ўзида акс этган.

Шу боис мазкур ахборотни қўлга киритиш, ўрганиш ва талқин қилиш, тарихий масалаларига оид реконструкция усулларини ишлаб чиқиши археология тадқиқотларида ўз долзарблиги билан ажралиб туради. Бу борада фанлараро манбалардан фойдаланиш, шу жумладан палеогеография, палеоботаника, палеозоллогия, тарихий ва этник географияси, ёдгорликлар картографияси манбаларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Тарихнинг энг қадимги даврларидан бошлаб, инсон меҳнат фаолияти ижтимоий муносабатлар доирасида амалга оширилган. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий алоқалар меҳнатнинг муҳим шарти бўлган. Табиатда мавжуд озиқ – овқат маҳсулотларининг ўзлаштириш жараёни қуйидагича: инсон-моддий ишлаб чиқариш – таббий муҳит – фойдаланиш объектлари – меҳнат

қуроллари – фауна ва флора турлари каби ўзаро боғлиқ бўлган йўналишда ривож топган.

Археология фанида инсон ва атроф муҳитнинг ўзаро муносабатлари, палеогеография ва антропоген ландшафтнинг тараққиёти омиллари, инсоннинг фаолияти ва турмуш тарзига табиий – географик шароитнинг таъсири, шунингдек аксинча, одамлар жамиятнинг ишлаб чиқариш ва табиий ресурслардан фойдаланиш оқибатида атроф муҳитга ижтимоий – иқтисодий таъсир даражасини аниқлаш долзарб вазифага айланган.

Узоқ ўтмишдан бошлаб, аҳолининг турлича табиий – географик шароитда жойлашганлиги маълум. Табиий муҳит жамоа ишлаб чиқариш, моддий ва маънавий маданияти ривожланишининг асоси бўлиб, турли шаклларидаги хўжалик – маданиятларни вужудга келтирган эди. (термачилар, балиқчилар, овчилар, зироаткорлар ва чорвадорлар маданиятлари) хўжалик маданий типларнинг бирлиги яқин табиий – географик муҳит билан боғлиқ бўлган ҳолда, бир хил ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланган.

XX асрнинг 70- йилларига келиб, Ўрта Осиё археологияси фанида ҳаёт шароити, инсон турмуш тарзи ва маданиятининг реконструкцияси, ижтимоий – иқтисодий тараққиёт, айрибошлаш ва савдо – сотиқ тизими, илк шаҳарлар ва давлатлар тарихини қайта тиклаш масалалари муҳим аҳамият касб этди.

Шу боис, турли манбаларга асосланган ҳолда, этник алоқалар ва этномаданий жараёнлар реконструкцияси, ижтимоий ва иқтисодий тузилиши ҳамда эътиқодлар, диний қарашлар, яъни маънавий маданиятнинг қайта тиклаш услубларидан кенг фойдаланиш бошланди.

Манбашунослик, археология, этнография асосида шаклланган этногеография фаннинг вазифалари халқлар (этник birlikларнинг) географик жойлашиши, унинг хусусиятлари ва бошқа халқлар билан ўзаро муносабатлари худудий жойлашиши, унинг хусусиятлари ва бошқа халқлар билан ўзаро муносабатлари, худудий жойлашиш чегаралари, худудларни ўзлаштириш даражаси, аҳолининг зичлиги ва бошқа масалаларни ўрганиш иборатдир. Мазкур масалаларнинг реконструкциясида этник жараёнлари

картографиясига мўлжалланган манбаларни мукамал ўрганиш, турлича мазмунга эга материаллардан кенг фойдаланиш ва тарихий воқеликка яқин натижалар берувчи картография қويدасини танлаб олиш – долзарб вазифа.

Тарихий реконструкция масалалари объектини фанлараро манбалар ва илмий маълумотлар ташкил этганлиги сабабли тарихий – маданий жараёнларни қайта тиклашда фанлараро усуллари ва 3 Д (уч ўлчамли) технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга шу боис тарихий реконструкция масалаларига оид манбаларни тизимлаштириш, ўрганиш қиёсий таҳлил қилиш ҳамда тарихий маълумотларни умумлаштириш ва хулосалар чиқариш ўз долзарблиги билан ажралиб туради.

2-мавзу Қадимги жамиятлар хўжалигини ўрганиш муаммолари

2.1. Қадимий жамиятлар ишлаб чиқарувчи хўжалигининг ўрганишга оид замонавий илмий назариялар.

2.2. Археологик маълумотлар асосида палеодемография масаласини ўрганиш

Таянч иборалар: Озиқ – овқат, ресурслар, ўсимлик ва ҳайвонот, хўжалик соҳалари, палеозоология, палеоботаника.

Озиқ – овқат маҳсулотларни қўлга киритиш қадимги ижтимоий - иқтисодий тизимда бош вазифага айланган. Ибтидоий даврларда у хўжалик соҳалар ривожланишининг асосий омили бўлган. Этнография маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, озуқа билан таъминлаш жараёнлари реконструкциясида қуйидаги жиҳатлар эътиборга молик: фойдаланиш объектлари (худуддаги ресурслар, ўсимлик ва ҳайвонот олами турлари), озуқани қўлга киритиш ва унга ишлов бериш меҳнат воситалари, инсон билимлари, кўникмалари ва тажрибаси.

Бундан келиб чиққан ҳолда, хўжалик соҳаларини қайта тиклашда, археология манбалардан ташқари, палеозоология ва палеоботаника манбаларини ҳамда меҳнат қуроллари функцияларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Палеолит даврида термачиликка нисбатан озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлашда овчилик юқори калорияли озуқани қўлга киритишнинг асосий усулига айланган. Мисол тариқасида одам пайдо бўлишининг энг қадимги макони ҳисобланган Шарқий Африкадаги ибтидоий овчилар кемирувчи ҳайвонлар, калтакесаклар, тошбақалар қатори йирик ҳайвон филни овлашга ҳаракат қилганлар. Шунингдек, одамлар мева, ёнғоқларни териб ва илдизларини қовлаб тирикчилик қилганлар.

Ўзбекистон ҳудуддида Тешиктош, Обираҳмат, Хўжакент каби ғор – маконларида яшаган палеолит даври одамларининг ҳаётида тоғ эчкисини ов қилиш устунлик қилган. Мисол учун Тешиктош ғоридан топилган ёввойи ҳайвонларнинг суяклари орасида буғу, от, айиқ ва қуён суякларига нисбатан тоғ эчкисини суяк қолдиқлари мутлақ устунлик қилган.

Ўрта палеолит ва айниқса, сўнгги палеолит даврида бирлашган овчилар гуруҳлари томонидан ҳайвонларни қуршаб олиб тутиш ёки уларни тикка кесиб тушган жарликларга қувиб хайдаш каби ов усуллари қўлланилган. Натижада, оммавий равишда, туёқли ҳайвонлар галалари ва ёввойи отлар уйирлари ҳалок бўлган. Шунингдек, алоҳида катта ҳайвонни танлаб олиб овлаш усули ривожланган.

Мезолит ва неолит даврларида Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларини ўзлаштирилиши жараёни уруғ жамоаларининг хўжалик эҳтиёжларини қондириш, озиқ – овқат ва ичимлик сув манбалари, ҳайвонот ва ўсимлик олами бой ҳудудларни эгаллаб олиш меҳнат қуроллари яшаш учун тош қонларидан фойдаланиш зарурати билан белгиланган.

Овчилар, балиқчилар ва термачиларнинг уруғчилик жамоаларини қон – қариндошлик алоқалари, умумий мулк ва меҳнат қуроллари, умумий меҳнат ва турмуш тарзи бирлаштирган.

Мезолит даври ёдгорликларида топилган чакмоқтош қуролларини ўрганиш натижасида уларнинг орасида ов қуроллари 60 фоизини ташкил этиши аниқланди. Улар найза ва ўқ учлари, тош қирғичлар ҳамда ов ўлжаси – сўйилган туёқли ҳайвонларнинг нимталанмаган гўштини бўлиш учун мўлжалланган тош пичоқларнинг қадамаларидан иборатдир. Бошқа кескич ва

тешгич тош қуроллари ёғоч, тери суяк, тош ва чиғаноқларга ишлов бериш билан боғланган ов қилиш жамоатчилиги асосида ҳамда ўқ ёй ёрдамида яқка тартибда амалга оширилган.

“Неолит инқилоби” – дехқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши оқибатида Ўрта Осиё тарихида озиқ – овқат маҳсулотларини қўлга киритишнинг янги усули ишлаб чиқариш хўжалиги ривож топди.

Умуман олганда бу давр тарихига оид қуйидаги муҳим хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Илк палеолит даври меҳнат қуроллари ўзининг соддалиги ва қўполлиги билан кейинги даврларнинг меҳнат қуролларидан анча фарқ қилади. Маконлар сувга яқин, ерларда жойлашган. Энг қадимги одамлар дастлаб тўда бўлиб яшаганлар. Маконларда топилган ҳайвон суяклари ва тош қуролларнинг хусусиятлари энг қадимги одамлар овчилик ва термачилик билан шуғулланиб, шу асосда ҳаёт кечирганлигини кўрсатади.

Шубҳасиз маълумки, у пайтда одамларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиш даражаси уларга яқка-яқка яшаш учун ҳеч қандай имкониятлар яратиб бермаган. Уларнинг озиқ-овқат захиралари чегараланган эди, бундан ташқари, яқка яшаган, одамлар йирик йиртқич ҳайвонларнинг ҳужумидан ўз ҳаётларини сақлай олмасдилар. Очлик хавфи ва кўп вазиятларда номаълум табиий жараёнлар энг қадимги одамларни тўда бўлиб яшашга мажбур қилган. Олимлар фикрига кўра, илк палеолит давридаги иқлим иссиқ бўлганлиги учун одамларнинг уй-жой ва кийимга эҳтиёжи бўлмаган.

2. Ўлкамизда топиб текширилган ўрта палеолит даври маконлари, асосан, ғорларда жойлашади. Демак, музлик босиб келиши билан бошпана зарур бўлиб қолиб, одамлар табиий пана жойлар - ғорларни эгаллашга ҳаракат қилганлар. Музлик даврида неандертал одамлари мураккаб синовлардан ўтган. Одамларнинг асосий машғулоти овчилик бўлиб, бу жараён кўп сонли ва турли шакллардаги қуролларни ишлаб чиқаришни талаб этган ва энг қадимги хўжаликнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Одамлар аста-секинлик билан йирик ҳайвонларини ҳам ов қилишни ўрганиб борди, улар

оловдан фойдаланиш ва уни сақлашга ҳаракат қилдилар. Узлуксиз меҳнат асосида инсон ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўзгариб борди.

3. Олов - совуқдан ва йиртқич ҳайвонлардан сақланиш, овқат пишириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Аввало ўтни эгаллаш ўрмондаги ёнғинлардан, табиий ўтлардан фойдаланишдан бошланган. Бундай ўтларни ўчирмасдан, узоқ вақт давомида сақлаб туриш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган. Шу билан бирга, одамлар ёғочларни ишқалаш йўли билан ва чакмоқтошлардан ўт чиқариш йўллари топганлар.

4. Одамлар йирик ҳайвонларни ов қилиши натижасида овчиликнинг усуллари кўпайиб борган (ҳайвонларни ўраб олиш, ботқоқликка ҳайдаш, жарга қулатиш ва бошқалар). Ҳайвонларни овлаш жараёни меҳнатни мақсадли ташкил қилишни талаб этган. Сўнгги палеолитда қуроллар яшашнинг янги усуллари вужудга келган. Қуроллар тош парракчалардан ясашиб, кўпинча нуклеусларнинг (нуклеус - тош ўзак) янги шакллари билан боғланадилар ва қуролларнинг хили кўпая бошлади.

5. Сўнгги палеолит даврида замонавий қиёфали одам кенг ҳудудларни ўзлаштирди. Замонавий қиёфали одамнинг пайдо бўлиши сабабларидан бири - бу жамоада яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг ман қилиниши бўлиб, ушбу жараён одамнинг жисмоний турини биологик жиҳатдан тез ўзгаришига олиб келган.

Сўнгги палеолит даврининг муҳим хусусиятларидан бири – ибтидоий тўдадан уруғ жамоасига ўтилишидир. Уруғчилик тузумининг бошланғич ва асосий шакли матриархат - она уруғидан иборат бўлган. Уруғчилик тузumi инсон ҳаётидаги бир қатор ижобий ўзгаришларнинг пайдо бўлишига асос солган. Манзилгоҳлар ов қилинадиган жойлар билан боғланган, бу жойларга қариндош-уруғлар эга бўлиб, улар овчилик билан тирикчилик ўтказганлар, шунингдек балиқчилик ривож топган.

Ҳунармандчилик машғулотлари ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжаликларга нисбатан озиқ – овқат маҳсулотларни қўлга киритиш ёки ишлаб чиқариш вазифаларидан йироқ бўлса-да, бироқ инсоният маданиятининг тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Мазкур тарихий

воқеликни ҳунар машғулотларнинг дастлабки босқичлардаги кийим тикиш, маржонлар яшаш, буйра ва саватлар тўқишдан бошлаб, кулолчилик, қуролсозлик, заргарлик, тўқимачилик ривожланишида кузатиш мумкин.

Ҳунармандчилик ҳонаки касблар ва ихтисослашган ҳунар шаклларига ажратилган ҳолда ўрганилади. Ҳонаки ҳунар касблари ички истеъмол билан боғлиқ бўлиб чекланган ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўлланган, шунингдек ортиқча маҳсулотдан айрибошлашда фойдаланилган. Ихтисослашаган ҳунармандчилик қадимий иқтисод тизимида мустақил тармоқларни ташкил этиб, савдо – сотиқ билан боғланган.

Археология фанида ҳонаки ва ихтисослашаган ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари ва мукаммалиги (мисол тариқасида қўлда ва чархда ясалган сопол идишларнинг қиёслаш) ҳамда ишлаб чиқаришнинг касбий даражасини аниқлаш ва бошқа белгиларига кўра ажратилиб ўрганилади.

Ўрта Осиёда бронза даврига келиб ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалигининг тараққиёти ҳунармандчилик соҳалари ривожини жадаллаштириб, шу соҳаларда металлга ишлов бериш бронза буюмларини ишлаб чиқариш, қуролсозлик, кулолчилик, тўқимачилик, заргарлик касбларида технологик янгиликлар ва ўзгаришлар юз бериб, ихтисослашган ҳунармандчилик вужудга келади.

Шунингдек ҳонадон шароитида тошдан, ёғочдан, чармдан, тери ва жундан буюмлар ҳамда кийим ва пойабзал яшаш усуллари ва анъаналари ўз аҳамиятини сақлаб келган.

Минтақа тарихининг турли даврларда (бронза, илк темир ва антик даври, илк ўрта асрлар) патриархал оилаларнинг хўжалиги кўп жиҳатдан натурал хусусиятга эга бўлиб жамоалар турмуш тарзи, ҳаёт учун зарур маҳсулотларни (ғалла, ун, ёғ, гўшт, жун) қўлга киритиш, яъни ўзини – ўзи таъминлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг маълум қисми миқдоридан солиқ тўлаш ва айрибошлаш, савдо – сотиқ жараёнида фойдаланилган.

Археологик тадқиқотларда ишлаб чиқариш марказларнинг ҳудудий жойлашнинг аниқлаш, ҳунармандчилик устахоналарини ва турли касб ҳунар

соҳаларида фойдаланилган асбоб қуролларини ўрганиш ўз долзарблиги билан ажралиб туради. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида хонаки ва ихтисослашган ҳунармандчилик тарихи қайта тикланади.

Мезолит даврига келиб ер юзидаги улкан музликнинг яна шимолга томон силжиши натижасида иқлим барқарорлашиб ҳозирги даврдигига анча ўхшаб қолган эди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсида анча ўзгаришлар содир бўлди.

Палеолит даврининг йирик ҳайвонлари йўқола бориб, улар ўрнига кичик туёқли, тез югурувчан ҳайвонлар - жайрон, сайғоқ, буғулар, тоғ эчкиси, арслон, йўлбарс, қоплон, қуён кабилар кўпая боради. Шунингдек, жанубга хос иссиқсевар, ёввойи бошоқли ўсимлик ва дарахтлар ҳам тобора кўпайиб борди. Табиат ва иқлимдаги бу ўзгаришлар мезолит даври кишиларининг ҳаётида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди.

Бу даврга келиб кишилар нисбатан нозикроқ қуроллар тайёрлашни ўзлаштира бошладилар. Хусусан, жанубий ўлкаларда, шунингдек, Ўрта Осиёда турли геометрик шаклдаги майда қуроллар - микролитлар пайдо бўлиб улар учун суяк ва ёғоч дастачалардан қадама сифатида фойдаланилган. Ундан ташқари, бу даврда инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама - ўқ-ёйни кашф этди. Натижада чопқир, кичик туёқли ҳайвонлар ва паррандаларни ов қилиш имконияти пайдо бўлди.

Мазкур даврнинг энг катта ютуқларидан яна бири яқин Шарқ ҳудудларида ёввойи ҳайвонлар - ит, қўй, эчки кабиларнинг қўлга ўргатилиб, хонакилаштирилиши бўлди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мезолит даврида Олд Осиёнинг баъзи вилоятларида термачиликдан ёввойи ўсимликларни хонакилаштиришга ҳамда овчиликдан чорвачиликка ўтиш бошланади. Бу жараён ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва табиий-географик шароит билан бевосита боғлиқ эди.

Мезолит даврининг машҳур ёдгорликларидан бири Сурхон воҳасидаги Мачай (Бойсун) ғор-маконидан кўплаб суяк ва тош қуроллар топилган. Суяк қуроллар бигиз, игна, сўзан кабилардан иборат бўлса, тош қуроллар - пичоқлар, аррасимон қуроллар, кесгичлар, ушатгич тошлар, найза ва ўқ

учлари кабилардир. Бу қуролларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлса ҳам яқин Шарқдаги мезолит ёдгорликларидан топилган тош қуролларга ўхшаб кетади.

Мачай маконидан одам бош суяклари, тиши, жағи ва бошқа қисмлари қолдиқлари топилган бўлиб, бу топилмаларни ўрганиш тадқиқотчиларга Ўрта Осиёнинг жанубидаги мезолит даври кишиларининг европоид ирқиға мансуб эканлигини аниқлаш имконини берди.

Мачай ғорида бўри, тулки, барс, мўйнали сувсар, қуён, жайра, олмахон каби ҳайвонларнинг ҳам суяк қолдиқлари топилган. Мачайлик мезолит даври одамлари оловдан кенг фойдаланганлар ҳамда ҳайвон ва парранда гўштларини оловда пишириб еганлар.

Фарғона водийсидан мезолит даврига оид Обишир ғор-маконидан тош қуроллар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамалари топилган. Шунингдек, топилмалар орасида ёввойи ҳайвонларнинг майдаланган ва синдирилган суяклари, балиқ тутишда ишлатиладиган қадоқ тошлар ҳам бор. Топилган ашёларга асосланиб обиширликлар балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланган дейишимиз мумкин.

Марказий Фарғона ҳудудларидан Шўркўл, Аччиккўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбар, Тойпоқкўл каби 80 га яқин мезолит даври ёдгорликлари аниқланди. Уларнинг кўпчилиги кўл ёқаларидан топилган бўлиб афтидан бу жойлар мезолит даври кишиларининг яшашлари учун кўпгина қулайликларга эга бўлган. Бу ерлардан топилган кўпгина қурол ва тош буюмлар ўзининг нисбатан нозиклиги, ихчамлиги билан палеолит даври қуролларидан ажралиб туради. Марказий Фарғонадаги мезолит даври қабилалари хўжалик ҳаётида овчилик, термачилик ҳамда балиқчилик устунлик қилиб, қулай табиий-географик шароит мазкур ҳудудларда қадимги одамларнинг кенг тарқалиб яшашлари учун имконият яратган.

Тошкентнинг ғарбида, қадимги Бўзсув анҳори соҳилида Қўшилиш мезолит макони ўрганилган. Ушбу макондан чақмоқтошдан ишланган нуклеуслар, майда парракчалар, учриндилар, қирғичлар, ҳар хил шаклдаги қуроллар, тош пичоқлар, силлиқланган тош қуроллар топилган. Қўшилиш

макони топилмалари мил. авв. XII-X мингйилликларига оид бўлиб, бу ерда яшаган қадимги қабилалар овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

Хуллас, мил. авв. XII-X мингйилликларига келиб Каспий бўйларидан Помир тоғларигача, Копетдоғ этакларидан Марказий Қозоғистонгача бўлган кенг ҳудудларда мезолит даври қабилалари ёйиладилар. Ушбу ҳудудларнинг географик шароити хилма-хил бўлиб, мезолит даври маконлари паст текисликлар, дарё ва сой бўйлари ҳамда тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Бу давр қабилалари ва уруғлари овчилик, балиқчилик ҳамда термачилик билан кун кечирганлар.

3-мавзу. Ижтимоий тараққиёт тарихини археология манбалари асосида реконструкцияси

Режа

3.1. Иқтисод тарихини ўрганишда археологик ёндошув.

3.2. Маънавий ва маданий тарихни ўрганишнинг археологик манбалари.

Калит сўзлар: жамият, катта оилалар, ишлаб чиқриш кучларн, уй-жойлар, хусусий мулк, омиллар таъсири, ижтимоий муносабатлар

Инсоният тарихидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиётида йирик ўзгаришлар, жамиятнинг тузилишида катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Сўнги палеолит даврида она томонидан қариндош жамоаларии ажралиб, уруғчилик тузуми вужудга келган.

Археология фанида бундан Европа ва Осиё ҳудудларида топиб текширилган, катта турар жойларнинг қолдиқлари ҳамда тош ва суюқдан ясалган она мабудаси хайкалчалари дарак беради.

Мезолит даврига келиб она томонидан яқин қариндошларни бирлаштирға овчилар ва балиқчилар уруғ жамоалари, ўз яшаш ҳудуди, номи ва маданий-маиший хусусиятлари билан ажралиб турган. Этнография маълумотларига кўра, уруғ жамоалари ибтидоий жамиятнинг ижтимоий бирлиги-қабилани ташкил этган. Турли қабилаларнинг вакиллари бир-

биридан ташқи кўринишда ўзига хос кийим-кечак, безаклар, соч тарашнинг маълум бир шакли, одамларнинг пешона ва юзидаги минерал бўёқлари билан берилган турли рангдаги белгилар билан ажралиб турган.

Катта она уй-жой ўчоғи хомийси, рўзгор ишларини назорат қилган ва ички ижтимоий алоқаларини тартибга солган. Ўз шахсий нуфузи, билимлари ва тажрибаси билан ажратиб турган кишилар хўжалик ишларини ташкиллатирган ва бошқарув масалаларини амалга оширган.

Ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган уруғчилик жамоаларини умумий турар жойлар, турмуш тарзи, эътиқодлар, ўзаро ёрдам, умумий мулк, меҳнат қуроллари ва озик-овқат захиралари бирлаштирган. Жамоа фаровонлиги учун хамма баровар ишлаган.

Дехқончилик ва чорвачилик ривожланиши оқибатида, жамият ҳаётида янги маданий ўзгаришлар пайдо бўлган. Ўтроқ турмуш шароитида аҳолининг аралаш, бир худудда турли уруғ жамоаларининг жойлашиши, яъни янги худудий ташкилот- худудий кўшничилик жамоаси вужудга келган.

Алоҳида катта оилалар ажралиб чиқади. Улар уй-жойлар, хусусий мулк, томорқа, чорва, озик-овқат захиралари ва ишлаб чиқариш қуролларига эга бўлганлар. Шундай қилиб ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган катта оила жамоалари вужудга келган.

Жамоадаги ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш, тартибга солиш, ички ва ташқи ижтимоий муносабатларни назорат қилиш ўз тажрибаси ва амалий билимлари билан бошқалардан ажралиб турган катта оилалар бошлиқлари ва уруғ оқсоқолларнинг вазифасига айланган.

Ишлаб чиқриш кучларнинг тараққий этиши, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши, ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлишига имкон берган, мол айрибошлаш ва иқтисодий алоқаларнинг миқёси, сифат ва миқдор жиҳатдан ўсиб борган.

Бундай ҳолат алоҳида тўқ катта оилалар жамоалари томонидан хусусий мулк, чорва сони, қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик маҳсулотларини ортириш учун қулай шароит яратган.

Жамоа бойликлари дастлаб метал ёмби, заргарлик буюмлари, металдан ишланган идишлар ва қуроллар сифатида тўпланган. Эниолит ва бронза даврига оид манзилгохлари ва қабрларда олтин, кумуш, мис ва бронзадан ишланган буюмлар, безаклар тасвирий санъат наъмуалари ҳамда қимматбаҳо тошлардан ясалган маржонлар топилган. Уларни ўрганиш натижасида қўлга киритилган маълумотларданмулкый табақаланишва ижтимоий тизимни қайта тиклаш жараёнида фойдаланилган.

Воҳа-туманлардан иборат ўтироқ деҳқончилик вилоятларда, умумий урф-одатлар ва эътиқод маросимлари турли ижтимоий гуруҳларни бирлаштирган. Мил.авв IV минг йилликнинг охиридан қадимги Шарқда махсус бунёд этилган ибодатхоналар, ижтимоий ҳаётнинг эътиқод ва диний маросимларни адо этиш марказлари пайдо бўлган. Мабудалар ва одамлар ўртасидаги воситачига айланган кинларнинг фаолияти юзага келган. Ҳамда ер-мулкларга эга қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришдан ибодатхоналар хўжалиги вуудга келган.

Турли омиллар таъсирида ижтимоий муносабатлар тарихи ўзгариб борга. Жамият ҳаётида ва жамоаларнинг фаолияти соҳаларда режалаштириш, ташкил қилиш, мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва назорат қилиш каби вазифалар бирламчи аҳамият касб этган. Ижтимоий тизимда турли қатламлар-деҳқонлар, чўпонлар, бинокорлар, ҳунармандлар, хизматкорлар ҳамда бошқарув ва назорат функцияларини амалга оширган шахслар ажралиб чиқан.

Ўзбекистонда бронза даври маданияти ёдгорликлари кўп йиллар тадқиқотлар натижасида турли вилоятларда кашф этилди ва муҳим археологик маълумотлар фанга татбиқ қилинди (Я.Ғ.Ғуломов, С.П.Толстов, М.А.Итина, А.А.Асқаров, Й.А.Заднепровский, Н.А.Аванесова, Т.Ш.Ширинов, Б.Матбобоев, У.В.Раҳмонов, Ш.Б.Шайдуллаев ва бошқ.).

Ўрта Осиё аҳолиси бронза даври босқичига ўтгач, маҳаллий ишлаб чиқариш тараққиётида янги давр бошланади. Бу давр мил. авв. IIII минг йилликнинг ўрталари – III мингйилликка мансуб бўлиб, бронза – мис билан

қўрғошин ва қалай қотишмасидир. У ўз хусусиятлари билан мисдан устун туради, яъни бронза мисга қараганда қаттиқ ва пишиқдир.

Бронза металлсозлигининг илк ватани Кичик Осиё ва Иккидарё оралиғи бўлган. Қадимги Миср, Месопотамия (Иккидарё оралиғи), Кичик Осиё ва Эроннинг жануби-ғарбий қисмида бронза даврида давлатчилик жамияти кенг раванқ топган. Ўрта Осий ҳудудида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар анча тараққий топиб, жанубий вилоятларда ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг шакллари янги асосда ривожланган.

Мил. авв. III-III мингйилликларда деҳқончилик ва чорвачилик, Ўрта Осиёнинг дастлабки ўчоқларидан Шарқ йўналишида ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларига кенг тарқала бошлайди. Бронза давридаги деҳқончилик аҳолисининг тарихини ўрганиш учун Ўзбекистоннинг турли вилоятларида бир неча қадимги ёдгорликлар топиб текширилган.

Мазкур даврнинг хўжалик соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири – бу қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилишидан ташқари, мил. авв. III мингйилликнинг ўрталарига келиб дашт ҳудудларида чорвачиликнинг махсус хўжалик сифатида ривож топишидир. Мазкур даврда ишлаб чиқариш муносабатлари тез ривожланиб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга ижобий таъсир қилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида қадимги қабилаларнинг иқтисодий, ижтимоий тарихи ва моддий маданияти ҳам янги асосда тараққий этган.

Мил. авв. III мингйилликда деҳқончилик ва чорвачилик Ўрта Осиё аҳолиси хўжалигининг асосий соҳалари бўлган. Бронзадан ишланган қуроллар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни тезлаштиргани туфайли, Ўрта Осиё даштларида яшаган қабилалар асосан чорвачилик билан машғул бўлган. Қадимги Шарқда шаҳар-давлатлар вужудга келиши билан ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Ўрта Осиё жанубий ҳудудларида мил. авв. III мингйилликнинг ўрталари – III мингйиллик бошларида ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари ривож топади.

Бронзанинг кашф этилиши билан меҳнат қуролларининг турлари ҳам кўпайди. Бронзадан ханжар, пичоқ, найза, ўроқ, жез ойна, бигиз, мунчоқ,

тамға, идиш ва бошқа буюмлар ясалган. Аммо тош бутун бронза даври давомида ҳам металл билан муваффақиятли равишда рақобат қилиб, куруллар ишлаш манбаи сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Тошдан пичоқлар, ўроқлар, ўк ва найза учлари ҳам ясалган. Ёрғучоқлар аввалгидек кумтошлардан ишланган, терини қайта ишлашда чақмоқтошдан кенг фойдаланишган.

Бронза даврида махсус кулолчилик ишлаб чиқариш вужудга келган. Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида (Копетдоғ олди, Қуйи Мурғоб воҳаси, Жанубий Ўзбекистон) мутахассис кулоллар пайдо бўлган. Мил. авв. ИИ мингйилликда чарх кулолчилик хунарига кенг жорий этилади. Чархнинг ихтиро қилиниши кулолларнинг ишини тезлаштириш ва сопол идишларнинг сифатини яхшилаш заруратидан келиб чиққан. Кулолчилик чархининг ихтиро қилиниши натижасида сопол идишларнинг шакллари кўпайган.

Бронза даврида сопол идишлар тайёрлаш такомиллашди. Катта ҳажмдаги хум ва хумчасимон идишларда дон ва суяқ маҳсулотлар сақланган. Кўза, тувак, коса, товоқсимон идишлардан уй рўзғорда кенг фойдаланилган. Идишлар сифатли бўлиши учун лой тайёрлашга тоза соф тупроқ танланган. Сополларнинг сиртига қизил, сариқ, жигарранг бўёқ – ангоб берилган. Идишлардан сув ташиш, овқат ва дон сақлаш учун кенг фойдаланилган. Овқат пишириш учун ишлатилган қозонлар кўлда ясалган.

Бу давр тарихий-маданий жараёнлари асосан моддий топилмалар ёрдамида ўрганилади. Қадимшунослар томонидан кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлари минтақада яшаган қабилаларнинг маданий-иқтисодий муносабатларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида ривожланган ишлаб чиқарувчи хўжаликлар асосида муҳим маданий ютуқлар вужудга келган. Ўрта Осиё жанубий вилоятларида бронзадан буюмлар ясаш, кулолчилик, заргарлик, тўқувчилик, ип йиғириш ва тўқимачилик махсус касб-ҳунарларга айланган. Ўша даврда канал қазиб, дарёлардан сув чиқариш, канал ва ариқларни доимо тозалаб туриш, яъни сунъий суғориш ишлари кенг йўлга қўйилган. Дехқончиликда дон (арпа, буғдой, жавдар) экиш, чорва учун

хашак бўладиган ўсимликлар ўстириш, сабзавот ва мевачилик ривожлантирилган.

Ўзбекистон тупроғида бронза даврига оид маданиятлар бир хилда тараққий топган эмас. Бу босқичда Сурхондарё, Зарафшон ва Хоразм воҳаларидан иборат уч ўлканинг маданий тараққиётида ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлган. Бу маданиятлар деҳқончилик, уй чорвачилиги ва чорвачилик-деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Улар бир-биридан ажралган ҳолда тараққий этган эмас, қабилалар ўртасида кенг маданий алоқалар ривож топган.

Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё) ўтроқ зироатчи аҳолисининг дастлабки марказларидан бири ҳисобланади. Ушбу вилоятдаги бронза даврига оид Сополлитепада тўртбурчакли меъморчилик шаклдаги истехком казиб очилди. Унинг ичида уй-жойлар, рўзғор ва хўжалик хоналари, хунармандчилик устахоналарининг қолдиқлари топилди. Сополлитепада 8 та гузарга тегишли уй-жойлар текширилган.

Моддий манбалар Сополлитепада кулолчилик ва металлсозлик юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Кундалик ҳаётда хилма-хил кулолчилик буюмларидан фойдаланилган. Тувак, хумча ва хумлар чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сақлаш учун ишлатилган. Бронзадан ханжарлар, ўқ учлари, найза пайконлари, пичоқлар, жез игналар, тўғнағичлар ва идишлар ишланган.

Амударёнинг сўл соҳил ҳудудлари (Шимолий Афғонистон) ва Бойсун-Кўхитанг тоғ олди воҳаларида аниқланган бронза даври ёдгорликлари Даштли - Сополли маданияти деб аталади. Унинг вужудга келиши мил.авв. III мингйилликнинг охирлари – II мингйилликнинг бошларида зироатчи аҳолисининг ташқи мигратсиялари билан боғланади. Шунингдек, бу маданият келиб чиқиши жиҳатдан Қуйи Мурғобдаги (Жанубий Туркменистон) Гонур-Туғалоқ маданияти билан боғланган бўлиб, фанда бронза даври Бақтрия-Марғиёна сивилизатсияси деб эътироф этилган. Гонурнинг марказида мудофаа деворлар ва тўртбурчак буржлар билан мустаҳкамланган йирик сарой жойлашган. У тахт зали ва 120 дан зиёд катта -

кичик хоналардан иборат бўлган. Сарой атрофида оташпарастилик, ҳосилдорлик, қурбонликка бағишланган ибодатхоналар ҳамда алоҳида халқа шаклда катта оташкадалар (диаметри 7-11 метр) бунёд этилган. Бу қисм ҳам мудофаа деворлар билан ўралган. Учинчи мудофаа девор сарой ва ибодатхоналар хизматчилари яшаган қисмини ҳимоя қилган.

Амударёнинг ўнг қирғоғи ерларида шаклланган Сополлитепа – бронза давридаги дарё кечувидан бошланган алоқа йўлини ҳимоя қилувчи мустаҳкам истехком сифатида пайдо бўлган. Ўтроқ деҳқончилик жамоалари чегараларининг кенгайиши муносабати билан Сополлитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди. Асосий марказ вазифаси эса, тоғ дарасидан чиқувчи йўл устидаги йирик марказ ҳозирги Шеробод яқинида жойлашган Жарқўтонга ўтади.

Жарқўтон ибодатхонаси

Жарқўтон бронза даври шаҳар кўринишига эга бўлиб, қалъа ва аҳоли турар жойи қисмидан иборат бўлган. Жарқўтонда жамоа сардорининг саройи ва оловга сиғиниш эътиқоди билан боғлиқ ибодатхона қолдиқлари топилган. Шеробод воҳаси тоғ олдида бронза даврига оид Ғозқалъа ўрганилган. Ёдгорлик туз конлари атрофида жойлашган ва унинг аҳолиси қадимда туз савдоси билан шуғуллангани эҳтимолдан ҳоли эмас. Ғозқалъада илк бор Ўрта Осиё бронза даврига оид тош меъморчилиги аниқланди. Шеробод воҳасида яна бир ёдгорлик – Бургуттепа доира шаклида бўлиб, тошдан қурилган мудофаа деворларига эга.

Археологик маълумотлар бронза даври эътиқодлари ва диний қарашларининг янги асосларда ўрганиш учун имкон яратди. Қадимги Бақтрияда аҳоли ҳаётида олов, сув, қуёш, ер ва ҳосилдорлик қадрланган.

Ўзбекистон ҳудудида бронза даврида чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларнинг моддий маданият ёдгорликлари Хоразм ва Қуйи Зарафшон воҳасида ўрганилган. Бу ҳудудларда Сополли ва Жарқўтонда бўлгани каби хом ғиштдан бунёд этилган иншоотлар (ибодатхоналар, уй-жойлар, мудофаа деворлари, ҳунармандчилик устахоналари) топилмаган. Қадимги Хоразм воҳаси ҳудудларида Тозабоғёб маданиятига оид ярим

ертўла уй-жойлардан сопол идишлар, тошдан ва бронзадан ишланган қуроллар аниқланган. Тозабөгёб сопол идишлари кўлда ишланган. Улар қозон, туваклар ва косасимон идишлардан иборат бўлиб, хилма-хил геометрик чизиқлар билан нақшланган. Асосий белгиларга кўра, Тозабөгёб маданияти чорвачилик - деҳқончилик хўжалик - маданий хилини ўзида акс этган, деҳқончилик чорвачилик хўжалигига кўшимча машғулот бўлган. Тозабөгёб маданияти манзилгоҳларида зироатчилик меҳнат қуроллари кам миқдорда топилган, дон қолдиқлари эса (арпа, буғдой, сули) аниқланмаган.

Қуйи Зарафшон ерлари бронза даврида камсув бўлиб, улар асосан чорвачилик учун қулай бўлган эди. Деҳқончилик кўпроқ Зарафшон тошқин сувлари ирмоқлари ҳосил қилган зах ерларда ривожланган.

Замонбобо маконида ярим ертўла кулба-уй қолдиқлари очилган. Турар жойнинг узунлиги 23,5 м, эни 9 м. Макон майдонидан ўчоқ ўринлари, ҳайвон суяклари, меҳнат қуроллари ва уй-рўзғор буюмларининг синиқлари топилди.

Мил. авв. III мингйилликнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсида Чуст маданияти ривожланади. У водийда деҳқончиликнинг вужудга келиши жараёнини акс эттирди. Чуст маданиятига оид 80 дан ортиқ ёдгорликлар аниқланган. Йирик манзилгоҳлар (Чуст, Ашқалтепа, Далварзин) воҳа-туман марказлари вазифасини бажарган. Дастлаб қадимги Фарғона зироатчилари ярим ертўла кулбаларда истиқомат қилишган. Мил. авв. II мингйилликнинг бошларига келиб гувала ва хом ғиштдан қурилган уй-жойлар пайдо бўлган.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Бронза даврида Ўрта Осиё Қадимги Шарқнинг муҳим маданий марказларидан бирига айланди. Дарёлар воҳаларининг қулай географик шароитида ривож топган деҳқончилик сунъий суғоришга асосланди. Қадимги манзилгоҳларнинг атрофларида суғориш ерлари кенг майдонларга эга бўлган. Дарёлардан канал чиқариш усуллари анча ривожланиб, бронза даври суғорилиш хўжалиги дастлабки деҳқончиликдан анча фарқ қилиб, ерни ҳайдаб деҳқончилик қилишга асосланган

Зироатчилик билан бирга одамлар ҳаётида воҳа ўтлоқларида ҳамда тоғолди ва дашт яйловларида чорвани боқиш муҳим аҳамиятга эга эди.

Манзилгоҳлардан қўй, эчки ва сигир суяклари топилган. Мисол тариқасида, Сополлитепада 16 мингтача ҳайвон суяклари топиб, текширилди. Уларнинг асосий қисми қўй ва эчки суяклари, бошқалари эса туя ва сигир суякларидир. Шу билан бирга одамлар ҳаётида ёввойи қушлар ва ҳайвонларни овлаш ўз аҳамиятини йўқотмаган. Сополлитепадан топилган буғу, жайрон, қулон, ёввойи чўчқа, қуён, ўрдак, каптар ва бошқа кўпгина ҳайвон ва парранда суяклари қолдиқлари бу фикрни тасдиқлайди. Овчилик одамларнинг қўшимча машғулоти бўлган. Улар асосан ёввойи чўчқа, буғу ва қулонни овлаганлар.

Археологик топилмалар бронза даври ҳайвонот дунёси ҳозирги фаунага нисбатан анча бой бўлганлигини кўрсатади. Дарё воҳалари, тоғлар ва даштлар хилма-хил ҳайвонлар ва қушлар тарқалиши учун қулай табиий муҳит яратган.

Тоғолди ва даштларда яшовчи аҳолининг асосий тирикчилик манбаи чорвачилик эди. Айниқса, Орол денгизи соҳилларига яқин даштларда ва Қуйи Зарафшон ҳудудларида яшовчи аҳолининг иқтисодий ҳаётида чорвачилик муҳим аҳамият касб этган. Бу қабилалар асосан майда чорва, қорамол ва отларни ҳам боққанлар.

Металлургия ривожланиши учун хомашё конлари зарур бўлган. Қизилқумда бронза даврига мансуб қадимги мис конлари ва маъдан эритиш хумдонлари топиб ўрганилган.

Бронза асрида металлчиликнинг кенг ёйилиши ва меҳнат қуроқларини ишлаб чиқариш услублари анча ўзгариши билан одамлар янги мис конларини қидиришга мажбур бўлганлар (айниқса, мисни қалай ва қўрғошин билан бирга эритиб қотириш услубини ўрганиб олгандан сўнг). Лекин илк металл даврида мис қимматли ашё бўлиб, соф мис фақат айрим жойларда учраган. Қабилаларнинг узоқ вилоятларга ёйилиши, янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари, мис, қалай ва қўрғошин конларини кашф этиш билан боғлиқдир.

Бронза даврида манзилгоҳлар янги ерларда вужудга келган. Хоразм воҳаси, Фарғона водийси ва Сурхондарё воҳасидаги маълум ёдгорликларнинг асосий қисми дарё ирмоқлари яқинида жойлашган. Тоғ

олди ва дашт чегараларидаги унумдор ерлар ҳосилдор дехқончилик туманларига айланган.

Бронза даврига оид буюмлар ихтисослашган ҳунар касби қаторида хонаки ҳунармандчилиги ҳам юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Одамлар лойдан, суякдан, тошдан, ёғочдан ва чармдан хилма-хил буюмлар ясаганлар. Ушбу даврда кийим жун ва зиғир толасидан тўқилган. Манзилгоҳлардан тўқимачилик соҳасида ишлатилган сопол ва тошдан ясалган урчуқлар топилган.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши асосида аҳолининг ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлган. Дехқончилик ва чорвачилик ортиқча маҳсулот ва мол айирбошлашни тартибга солишда асосий вазифани бажарган эди.

Патриархал уруғнинг ривожланиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан катта жамоа оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун замин яратилган.

Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган бронза муҳр-тамғалар бургут, илон, туя ва бошқа тасвирлар билан нақшланган. Улар айрим катта патриархал оилалар ва уруғларнинг рамзлари бўлган.

Замонбобо қадимги қабристонидан эркаклар қабрларидан топилган буюмлар орасида кўпроқ сопол идишлар, чақмоқтошдан ишланган ўқ учлари ва найза пайконлари ҳамда пичоқсимон парракчалар учрайди. Аёллар қабрларидан қимматбаҳо тошлардан (ложувард, феруза, сардолик) ясалган турли шаклдаги мунчоқлар, маржонлар ва мис кўзгулар топилган.

Бронза даври манзилгоҳларида ўрганилган жамоа уй-жойлари, олтиндан ишланган зеб-зийнатлар, бой қабрлардан топилган бронза идишлар ва яроғлар, қиммат тошлардан ясалган маржон ва уруғ бошлиқларининг шахсий тамғалари ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар беради. Катта патриархал оилаларнинг мулки уй-жойлар, ҳунармандчилик буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва молларидан иборат бўлган. Кулолчилик ва бронза буюмлари савдо-сотик маҳсулотига айланган.

Бироқ хусусий мулкчилик ва мол айирбошлаш қайси даражада ривожланганлиги ҳақида тарих фани аниқ маълумотларга эга эмас. Қабилалар ҳаётида қадимги уруғчилик хусусиятлари, шу жумладан, катта оила аъзолари томонидан хўжаликни биргаликда олиб бориш, ерга биргаликда ишлов бериш, умумий турар жойда (катта жамоа уйларида) яшаш анъаналари сақланиб қолган. Бу уй-жойларда яқка кичик оилаларга 2-3 хонали турар жойлар тегишли бўлса-да, лекин уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти – “умумий том остида”, оила, уруғ бошлиғи раҳбарлигида ўтганлиги билан изоҳланади. Ерга эгалик қилиш жамоатчилик хусусиятига эга бўлган. Сунъий суғориш иншоотларини қуриш, канал ва ариқларни тозалаб туриш каби муҳим ишлар жамоалар томонидан биргаликда амалга оширилган. Шунингдек, бу даврда Марғиёна ва Бактрия ҳудудларида сарой ва ибодатхоналар хўжаликларининг ажралиб чиққанлигини тахмин қилиш мумкин.

Бронза даври ижтимоий-иқтисодий муносабатлари мавзусига тегишли турли қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Мазкур масалага оид ёзма манбалар маълум бўлмаганлиги сабабли, бронза давридаги минтақа ҳудудларида ерга эгалик қилиш, яйловлар, сув манбалари ва суғориш иншоотларидан фойдаланиш хусусий мулкчиликка нисбатан жамоатчилик мазмунига эга бўлиши кўпроқ ҳақиқатга тўғри келади. Бу даврда ер қонуний жиҳатдан хусусий мулк сифатида расмийлаштирилган деб талқин қилиш шубҳалидир.

Тарихда ерга хусусий мулкчилик солиқ тизими ривожланишига замин яратган. Ўрта Осиёда солиқ тизими мавжудлиги ҳақида илк бор қадимги форс битиклари, Персепол саройидаги бўртма расмлар, Геродот ҳамда антик давр Парфия ва Хоразм ёзувлари хабар беради. Булардан қадимийроқ бўлган “Авесто”да пул ва солиқ тизими ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Шунингдек, бронза даврида турли маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар ўзлари айирбошлаш ва савдо-сотик билан шуғулланганлар. Савдо-сотик махсус касб-ҳунар сифатида бирдан ҳунармандчиликдан ажралиб чиқмаган. “Авесто”да ҳам хусусий мулкдорлар – савдогарлар тилга олинмайди.

Мил. авв. ИВ мингйилликнинг охирларига келиб, Қадимги Шарқда (Олд Осиё, Миср, Иккидарё оралиғи) илк давлатлар шаклланди. Мазкур жараён бу ҳудудларда жуда эрта ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, бинокорлик ва меъморчилик, хунармандчилик ва айирбошлашнинг жадал ривожланиши ҳамда ижтимоий - иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви билан белгиланди.

Энеолит ва илк бронза даврида Ўрта Осиё жанубий вилоятларида ҳам уруғчилик тузумида туб ўзгаришлар содир бўлди. Металл эритиш, мис ва бронзадан қуроллар ишлаб чиқариш, омов билан ер ҳайдаб зироатчилик қилиш, суғорма деҳқончилик, чорвачилик, бинокорлик ва хунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланиши натижасида, жамиятда эркаклар етакчилик қилиб, ижтимоий-иқтисодий тизимда уларнинг мавқеи ошиб борди (оила, уруғни етарли маҳсулотлар билан таъминлаш эркак кўлига ўтди, уй хўжалиги юмушлари аёллар зиммасида қолди). Шу тариқа, уруғчилик оиласида эркак муҳим ижтимоий ўринга эга бўлиб, патриархат даври бошланди (юнонча, *патер* – ота ва *арч* – ҳокимият). Қариндошлик эркак номи билан белгиланадиган бўлди.

Катта патриархал оиласи ота томонидан яқин қариндошларни бирлаштириб, улар умумий уй-жой, ишлаб чиқариш воситалари, рўзғор буюмлари, тақсимланган дала ерларга ишлов бериб ва чорвага эгалик қилиб, етиштирилган умумий озиқ-овқат маҳсулотларини биргаликда истеъмол қилганлар. Патриархал оилаларнинг ўсиб бориши натижасида янги оилалар пайдо бўлган.

Юқоридаги таърифланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бронза даврида Марғиёна – Бактрия жамоаларига ҳам хос бўлган. Мазкур тарихий-маданий вилоятлар жамиятида турли ижтимоий гуруҳлар ажралиб чиққан ва илк давлатчилик тизимига доир жараёнлар ривож топган. Марғиёна – Бактрия сивилизатсияси фанда “Окс - Амударё сивилизатсияси” деб эътироф этилган. Тадқиқотчилар унинг келиб чиқишини Аккад - Элам ҳудудларидан Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё жанубига (Копетдоғ олди, Марғиёна, Бактрия) аҳоли мигратсиялари билан боғлайдилар. Бошқа ҳудудларда (Тошкент

воҳаси, Фарғона водийси, Қуйи Зарафшон ва Хоразм воҳалари) ишлаб чиқарувчи кучларнинг султ тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нотекис ривожланиши туфайли, уруғ-қабила тузуми муносабатларнинг анъаналари илк темир даврига қадар ўз аҳамиятини сақлаб келган.

Маданий алоқалар, аҳоли ва этник жараёнлар.

Ўрта Осиё тупроғидаги қабилалар бир хилда тараққий топган эмас. Турли вилоятларнинг маданий тараққиётида ўзига хос хусусиятлар аниқланган. Бу маданиятлар деҳқончилик, уй чорвачилиги ва ярим кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Улар бир-биридан ажралган ҳолда ривожланмаган ва турли қабилалар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар изчил кенг тараққий топган.

Замонбобо топилмаларида дашт чорвадор қабилалари маданиятига ва жанубий ўтроқ деҳқончилик маданиятларига оид айрим хусусиятлар сақланиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам бу иккала маданий анъаналар Қуйи Зарафшонда, биринчидан, иқтисодий ва маданий алоқалар асосида, иккинчидан, Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ ва шимоли-шарқий чорвадор қабилаларининг ёйилиши билан ҳам боғлиқ бўлган.

Бронза даврида аҳоли сонининг ўсиши натижасида ўзлаштирилган ерлар тобора кенгайиб борган. Металлургия, деҳқончилик ва чорвачиликнинг юксак даражада ривожланиши билан бирга табиий бойликлар, мис, қалай ва кўрғошин хомашё конлари, бўз ерлар, сув манбалари ва яйловларга қадимги қабилалар мухтож бўлиб турган. Мил. авв. ИИ минг йилликнинг ўрталарида яйловларда боқиладиган чорвачилик махсус хўжалик турига айланган. Бронза даврида Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Мурғоб, Вахш ва Панж дарёлари бўйлаб янги ерларга кўчиш йўллари пайдо бўлди. Бу йўллар ёқасида мавсумий маконлар, мазор-кўрғонлар ва қабрлар топиб ўрганилган.

Даштли-Сополли маданияти вакилларининг бир қисми Жанубий Тожикистон, Афғонистоннинг шимоли-шарқий ҳудудларини ўзлаштириб, Ҳинд водийсигача ёйилади, бошқа гуруҳлари эса Зарафшон воҳаси ва Шарқий Фарғона ерларида тарқалади. Мазкур ҳудудларда улар маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетади.

Марғиёнада Гонур-Туғалоқ ва Бақтриядаги Даштли-Сополли маданияти билан бир даврда, Жанубий Уралда Аркаим-Синташта маданияти пайдо бўлади. Мазкур маданиятни яратган аҳоли муҳофаа деворлар билан ўралган кўп сонли истеҳкомларни бунёд этиб, асосан, чорвачилик, шу жумладан, йилқичилик билан шуғулланганлар. Уларнинг ижтимоий тизимида мол боққан чўпонлар, бронза металлсозлар – хунармандлар ва жангчи суворийларнинг мавқеи баланд бўлган. Бироз кейин Аркаим-Синташта маданияти дашт ҳудудларида кенг ёйилган Андроново маданияти қабилаларининг маданияти ривожланишига катта таъсир қилган.

Фарғона водийсида мил. авв. ИИ мингйиллик бошларига оид бронзадан ишланган идиш, болта ва тўғноғичлардан иборат археологик ашёлар топилган. Ушбу буюмларга ўхшаган топилмалар Эрон, Жанубий Туркменистон, Шимолий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон ёдгорликларида кенг тарқалган. Улар Фарғона водийсида савдо-айирбошлаш ва мигратсиялар асосида пайдо бўлган. Замонбобо қабристонидан топилган баъзи мунчоқлар Бадахшон ложувардидан ясалган. Шунингдек, Замонбобо манзилгоҳида Ўрта Осиё жанубий зироатчилари маданиятига хос мис тўғноғичлар, хоч шаклдаги маржонлар ва сопол ҳайкалчалар топилган.

Жанубий Тожикистон бронза даври ёдгорликларидан олинган сопол идишлар ичида Сурхон воҳаси, Шимолий Афғонистон ва Жанубий Туркменистонда ишланган идишларга ўхшаш сопол идишлар учрайди. Ўрта Осиё қабилаларини Қадимги Шарқ давлатлари билан маданий алоқалар ва савдо йўллари бирлаштирган. Бронза даврида узоқ масофадаги савдо-сотик ривожланган. Бадахшон тоғларидан бошланган савдо йўллари Эрон ва Месопотамияга олиб борган. Бадахшонда қазиб чиқарилган қимматли тош-ложуварддан ясалган буюмлар Миср, Месопотамия ва Эрон ёдгорликларида аниқланган. Шунингдек, ўлкамизнинг баъзи вилоятларида Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларидан келтирилган сопол идишлар, денгиз чиғаноқлари, фил суяги ва металлдан ишланган буюмлар, фил ва аждар тасвирларига эга муҳрлар ҳам учрайди. Панж дарёсининг сўл соҳилида (Афғонистоннинг шимоли-шарқи) Ҳинд сивилизатсияси, яъни Хараппа-

Мохенждаро маданиятига оид Шўртўқай савдо факториясининг кашф этилиши анча тасодиф бўлди. У Ҳинд сивилизатсияси маркази Моҳенждародан 1100 км масофада ноёб минераллар ва металларга бой Шарқий Бақтриянинг тоғ-кончилик туманларининг яқинида жойлашган.

Ўрта Осиё бронза даври тадқиқотчилари ихтиёрида ёзувсиз манбалар мавжуд бўлиб, мазкур замоннинг аҳолиси, уларнинг қиёфаси антропологик манбалар асосида ўрганилади.

Бронза даврида Ўрта Осиё жанубида Ўртаер денгизи ирқининг вакиллари ёйилган. Минтақанинг шимолий дашт қисмларида жануб аҳолисидан антропологик жиҳатдан фарқ қиладиган қабилалар яшаганлар.

Мил. авв. III мингйилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмида Сурхон-Шеробод воҳасига ва Жанубий Тожикистоннинг ҳудудларига шимолдан чорвачилик билан машғул бўлган қабилалар босқичма-босқич келиб ўрнашган. Дашт чорвадор қабилаларининг моддий маданияти ҳақида Жарқўтон ёдгорлиги ва Вахш маконидан топилган сопол буюмлар, бронза қуроллари ҳамда қадимги қабрлар ўрганилиши натижасида аниқланган дафн маросимлари далолат беради. Сопол идишлар қўлда ишланган ва уларнинг сирти мураккаб геометрик ўйма нақшлар билан қопланган. Бу идишлар мил. авв. III мингйилликда Ғарбий Сибир, Жанубий Урал ва Қозоғистоннинг даштларида ёйилган Андроново маданиятига доир идишларга ўхшаб кетади.

4.1. Илк шаҳарлар ва давлатлар тарихини тиклашнинг моддий асослари.

4.2. Марказий Осиё давлатчилигининг ўрганишдаги замонавий муаммолар ва ёндошувлар.

Калит сўзлар:

Илк шаҳарлар ва давлатларнинг шаклланиши инсоният тарихида жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётини тубдан ўзгартирган ходиса бўлган.

Қадимги Шарқда илк шаҳарнинг археологик белгиларини ишлаб чиқишда, миқдор ва сифат жиҳатдан ажралиб турган кўрсаткичлар ҳисобга олинган. Манзилгоҳларнинг тархи, катта – кичиклиги (умумий майдон), муҳофаа тизими, катта жамоатчилик иншоотлари ва ишлаб чиқариш марказларининг мавжудлиги шулар жумласидандир. Бундай археологик ёдгорликларнинг ички тузилишига кўра, уларнинг ҳудудида 5 000 кишининг истиқомат қилиш имкони бўлган нисбатан катта аҳоли пунктларнинг шаҳарлар сифатида талқин қилиш таклиф этилган.

Ўрта Осиё жанубида милл. Авв III минг йилликнинг II яримида Олтинтепа ва Намозгоҳ каби йирик деҳқончилик марказлари ривож топган.

Олтинтепанинг (умумий майдони 46 гектар) асосий қисмининг аҳолининг тураржойлари эгаллаб олган. Уй-жойларнинг майдонлари 50-80-100 квадрат метрни ташкил этади. Улар катта – кичиклиги кўрсаткичларига кўра, 5-8-10 та тураржойлар ва хўжалик иморатлар (омборхоналар, ошхоналар ва устахоналар) дан иборат бўлиб, катта патриархал оилаларга тегишли бўлган. Алоҳида гузарлар кўчалар билан ажратилган, улар Олтинтепанинг марказий майдонига олиб борган. Унинг ёнида зинапояли катта ибодатхона-зиккурат жойлашган. Археологик топилмаларига кўра, Олтинтепада ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари (кулолчилик, бронза буюмлар ва қуролларни ишлаб чиқариш, заргарлик тўқимачилик) ривожланган.

Олтинтепа аҳоли зироаткорлар, хунармандлар, бинокорлар, гурухларига бўлинган. Шунингдек ибодатхона-зиккуратнинг ортида таркибий жихатидан 47 та тураржойлар, рўзгор ва хўжалик хоналаридан иборат бўлган меъморий мажмуаси қолдиқлари топиб текширилган бу ерда кохинлар ва уларнинг хизматкорлари оилалари яшаган.

Мажмуанинг жанубий қисмида, томонлари 10x16 метрга тенг алохида жойлашган тўғри бурчак катта бино эътиборга молик. Унинг тўртта хонасида кохинларнинг оила аъзолари дафн этилган ва мазкур бино бронза даврига оид мақбара бўлган. Дафн буюмлари (жихозлари) ичида сопол идишлар, бўйра ва сават қолдиқлари, ложувард, агат ва фил суягидан ясалган мунчоқлар, олтин ва кумушдан ишланган безаклар ҳамда олтиндан ишланган бўри ва буқа бош хайкалчаларидан иборат. Мақбара ичида 12 та эркак, 15 та аёл ва олти ёшдан катта 3 та боланинг скелет суяклари аниқланган.

Олтинтепа шаҳар кўринишига эга бўлиб, унинг ижтимоий – иқтисодий тузилишида ихтисослашган хунар-касб сохалари ва ишлаб чиқариш жараёни турлича бошқарув вазифаларини амалга оширишни талаб этган. Қишлоқ хўжалик ва бинокорлик ишларини ташкиллаштириш ҳам бошқарув тамойилларига асосланган. Аҳолининг кундалик ҳаёти ва ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларини мувофиқлаштириш ва эътиқодлар маросимларини адо этиш жараёнларида кохинларнинг касбий ва ижтимоий-мафкуравий мавқеи ошиб борган. Кохинлар жамоаларнинг йўлбошчилари ва кейинги босқичда ҳукумдорларига айланган.

Илк шаҳарлар, давлатчилик ва бошқарув тизимининг вужудга келиши чамбарчас боғлиқ бўлган.

Мил авв. III минг йиллик охирлари II минг йиллик бошларида Марғиёна ва Бақтрияда йирик ибодатхоналар ва саройлар мажмуалари пайдо бўлган. Мисол тариқасида, Марғиёнанинг илк шаҳар маркази Гонурдаги катта сарой ичида, турли вазифаларни бажарган 460 та катта – кичик хоналарнинг қолдиқлари аниқланган. Шунингдек турли хунармандчилик буюмлар ва тасвирий санъат намуналарига бой “подшо қабрлари” топилган.

Қабр чуқурларининг ён томонлари нақшинкор тошлардан терилган тасвирлар билан безатилаган.

Сарой ва ибодатхонлар хўжаликларига тегишли ер мулклар, сунъий суғориш иншоатлари, чорва, подалари, хунармандчилик устахоналари ва озик овқат махсулотлар омборхоналари мавжуд бўлган.

Сарой ва ибодатхоналарнинг мажмуалари мудрофаа деворлари ва буржлар билан мустахкамланган бўлиб, истехком кўринишига эга. Бундай мажмуаларнинг ташқи ён томонларида кўп сонли хизматкорлар-зироаткорлар, чўпонлар, хунармандлар ва бинокорларнинг уйлари жойлашган. Бу қисмлар ҳам мудрофаа деворлари билан ўраб олинган. Сарой ва ибодатхоналар хизматкорлари ўз ишлари хақиға ғалла, ун, ёғ, гўшт каби озик-овқат махсулотлари билан таъминланган.

Сарой ва ибодатхоналар ер-мулклари тизимидаги турли сохаларига доир ишларни ташкиллаштириш ва амалға ошириш, қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик махсулотларининг омборхоналарға кириб келиши ва тақсимланишини назорат қилиш вазифалари билан шуғилланувчи маъсул мансабдор кишилар мавжуд бўлган.

Қадимги Шарқ мамлакатлари (Шумер, Миср, Элам) сингари бронза даври Марғиёна- бактрияда ибодатхона ва сарой хўжаликларини шаклланган маъмурий ташкилот бошқариб турган. Элам хўжалик хужжатлари маълумотларига кўра ибодатхоналарнинг ерлари ва сунъий суғориш иншоатлари “худо далалари” ва “худо каналлари” деб аталган. “худо далалари” ва “сарой далалари” га қуллар, қарам кишилар ва хизматкорлар ишлов беришган. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта оилалардан иборат шаҳар жамоалари ва дехқончилик туман-воҳаларида яшаган озод жамоалари муҳим аҳамиятға эға бўлган. Уларнинг ерга эғалик қилиш ва сув манбаларидан фойдаланиш ўз хусусиятлари билан ажралиб турган. Шу билан бирға “худо далалари ойи” да барча жамоалар аъзолари ибодатхона ва давлат (сарой) ташқарисида мажбурий ишлари билан банд бўлганлар.

Марғиёна ва бақтрияда сув, ҳосилдорлик ва олов эътиқодларига бағишланган катта ибодатхоналар ҳамда саройлар Гонур, Доийли ва Жарқўтон шаҳар ҳаробаларида топиб текширилган. Археологик маълумотлар бронза даврида деҳқончилик, сунъий суғориш тизими, чорвачилик, хунармандчилик ва мол айирбошлаш юқори даражада тараққий топганидан дарак беради. Бу давр ижтимоий-иқтисодий тизими воҳалардаги қишлоқ хўжалик жамоалари, ибодатхона ва саройлар мулкчилиги, илк шаҳарлар аҳоли жамоаларнинг хусусий мулкидан иборат бўлиб, жамиятда турли ижтимоий қатламлар (табақалар) ажралиб чиққан ва маъмурий-худудий ҳамда умумий эътиқодлар ва диний қарашлар жиҳатдан бирлашган.

Алоқа-савдо йўллари орқали, улов транспорт воситалари ёрдамида, узоқ масофада жойлашган юртлар (Хиндистон, Эрон, Олд Осиё, Урал, Сибир, Шарқий Туркистон) иқтисодий алоқалар ривожланган. Бундан, транзит савдо асосида, турли ўлкалардан олиб келинган буюмлар гувоҳлик беради. Улов-транспорт мавзусига доир Гонур қабристонида тўрт ғилдиракли арава ҳамда туя ва эшак скелетлари қолдиқлари топилган. Ўрта Осиё жанубида давлатчилик тарихи мил.авв. III минг йилликнинг охирларида бошланган.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. Қадимги жамиятлар хўжалигини ўрганиш муаммолари, қадимий жамиятлар хўжалигини ўрганишдаги тизимли ёндошув, ўзлаштирувчи хўжаликлар (термачилик, овчилик, балиқчилик) тарихига оид археологик топилмаларнинг мазмун моҳияти, ишлаб чиқариш хўжаликларни (деҳқончилик, чорвачилик) ўрганиш усуллари, мавзуга оид замонавий илмий назариялар (2соат).

2-амалий машғулот. Илк зироатчилар жамиятида жамоатчилик ҳунармандчиликнинг шаклланиши ҳунар касбини деҳқончиликдан ажралиб чиқишининг технологик шарт – шароитлари, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ривожланиши, археология маълумотлари ва палеодемография масаласи, илк айрибошлашнинг шакллари. Қадимги алоқа йўллариининг ривожланиши. Археология маълумотлари ва палеодемография масаласи(2соат).

3-амалий машғулот. Ижтимоий тараққиёт тарихини археология манбалари асосида реконструкцияси, иқтисод тарихини умумлаштириш, тиклаш муаммолари, асосий ёндошувлар (2соат).

4-амалий машғулот. Уй - жойларнинг эволюцияси ва уларнинг ижтимоий тараққиёт билан алоқадорлиги (2соат)..

5-амалий машғулот. Дафн маросимлари, одатлари ва қабрларда топилган буюмларнинг тарихий реконструкцияси жараёнидаги аҳамияти. Қадимги эътиқодлар ва диний қарашларнинг ўрганиш муаммолари. Қадимги тош даврида ҳаёт (2соат).

6-амалий машғулот. Илк шаҳарлар ва давлатларнинг археологик белгилари, илк шаҳарлар ва давлатлар тарихига доир археологияда ахборот. Марказий Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши хусусиятларини археологик маълумотлари асосида ёритилиши. Замонавий муаммолар ва ёндошувлар (2соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс-стади.

Кейс 1. Археология атамасига ким асос солган. Археологиянинг фан сифатида шаклланиши сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Археология атамасига таъриф. У қандай маънони англатади. Археология атамасини ким муомалага киритган.
- Археологиянинг фан сифатида шаклланиши сабабларини келтиринг.

2-кейс-стади.

Кейс 2. Ер шарида ҳаётнинг пайдо бўлиши ва илк ибтидоий одамларнинг келиб чиқиши шарт-шароитлари

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Ерда ҳаёт қандай пайдо бўлган. Ер шари тарихи ҳақида маълумот келтиринг
- Одамзоднинг хайвонот дунёсидан одамзод дунёсига қадам қўйишига сабаб бўлган омилларни изоҳланг

3-кейс-стади.

Кейс 3. Даствлабки гоминидлариннг пайдо бўлиши сабабларини кўрсатинг
Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Гоминидлар атамасига таъриф беринг. У қандай маънони англатади
- Ер юзида топилган даствлабки палеантропологик топилмалар хақида маълумот келтиринг ва қиёсий тахлил қилинг

4-кейс-стади.

Кейс 4. Нима сабабдан Африка инсоният бешиги сифатида эътироф этилади.
ва сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Африка худудидаги даствлабки ибтидоий аждодларимизга оид топилмалар ва улариннг тахлилини келтиринг.
- Нима сабабдан Африка инсоният бешиги сифатида эътироф этилиши сабабларини келтиринг

5-кейс-стади.

Кейс 5. Нима сабабдан даствлабки аждодларимиз Африкадан Яқин ва Ўрта Шарқ худудида орқали ер юзининг бошқа худудларига миграция қилишган ва сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Африка худудида ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ палеолит даври иқлим, шарт-шароитлари хақида маълумот келтиринг ва улариннг тахлил қилинг.
- Яқин ва Ўрта Шарқ худудидаги энг қадимги тош даври ёдгорликлари ва топилмалари

6-кейс-стади.

Кейс 6. Нима сабабдан даствлабки археологик тадқиқотлар Европа хууддида ўтказилган кўпгина археологик даврлар Европа худудид билан боғлиқ сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Европада ўтказилган дастлабки археологик изланишлар уларнинг тахлилини келтириб.
- Европа худудидан ҳозирги замон типига одамнинг дастлабки топилмаларининг қайд этилиши ва *Homo Sapiens* муаммоси.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Археологик ва тарихий давраштириш муаммоси
2. Марказий ва Жанубий Африкадан топилган палеантропологик топилмалар.
3. Археология фанида антропогенез муаммосига оид янги қарашлар.
4. Шарқий Африкадаги археологик топилмаларнинг тарихи.
5. *Homo sapiens* нинг пайдо бўлиши масаласи

6. Яқин ва Ўрта Шарқ худудида палеолит ва мезолит даври маданиятларининг ривожланиши.
7. Ибтидоий одамларнинг Европа қитъасига тарқалиш жараёнида Яқин Шарқ минтақасининг аҳамияти.
8. Европанинг палеолит ва мезолит даври маданиятлари
9. Европанинг палеолит даври қоятош суратлари
10. Олд Осиёда ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг вужудга келиши муаммолари.
11. “Неолит инқилоби” тушунчасининг мазмун моҳияти жаҳон тарихида неолит даври маданиятларининг ўрни ва аҳамияти.
12. “Цивилизация” тушунчаси. Жаҳон тарихида цивилизациянинг дастлабки ўчоқлари.
13. Месопатамия – икки дарё оралиғида цивилизациянинг вужудга келишининг сабаблари.
14. Ҳинд ва Хитой қадимий цивилизациялари.
15. Юнонистон цивилизацияси
16. Марғиёна Бақтрия цивилизацияси
17. Мезоамерика цивилизацияси
18. Жаҳон антик даври археологияси
19. Шаҳарсозлик маданияти вужудга келишининг археологик маълумотлари асосида ўрганиш услублари.
20. Археология фанида тарихий реконструкция муаммолари.
21. Жаҳон археологик ёдигорликлари ва қадимий маданиятларни ўрганиш ва тарғиб қилиш масаласига муносабат
22. Жаҳон археологиясининг инсоният жамияти тарихи ва цивилизация тараққиётини ўрганишда тутган ўрни ва аҳамияти.
23. Жаҳон археологиясида қўлланиладиган замонавий илмий методик усуллар.
24. Жаҳон археологиясида тарихий реконструкция масалалари.
25. Жаҳон археологияси ва палеоэкология.
26. Археологияда таббii фанлар усулларида фойдаланш хусусиятлари.

27. Марказий Осиё археологиясида замонавий муаммолар (илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти масалалари)
28. Жаҳон археологияси ривожланишнинг умумий таърифи
29. Замонавий археологик тадқиқотлар ва кашфиётлар
30. Жаҳон археологиясининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи

VII. ГЛОССАРИЙ

Атама	Terminology	Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Археология	Archaeology	Археология	Архайос-қадимги ва логос-фан деган маънони англатади
Антикварий	Antiquitates	Антикварий	Римлик муаллифлар юнонча археология термини ўрнида antiquitates-қадимиёт терминини қўллашган.
Қадимиёт	Antiquaries	Древность	Римлик муаллифлар юнонча antiquitates-қадимиёт соҳаси вакиллари эса «antiquaries» - антикварий, яъни қадимий топилмалар хаваскорлари дея аташган.
Олдувай, ашель, мустье ва сўнгги палеолит	Olduvai, Ashel, Mousterian and Upper Paleolithic	Олдувей, Ашел, мустье и поздний палеолит	Палеолит даври босқичлари.
Клэктон маданияти	Clactonian	Клэктонская культура	мил авв. 550-475 минг йилликларда Европанинг қуйи палеолит даври маданияти

Ёввойилик, варварлик ва цивилизация	Savagery, barbarism and civilization	Дикарство, варварство и цивилизация	Шотландиялик файласуф А. Фергюсон инсоният тарихини учта даврга ажратиб кўрсатган
Неолит, бронза ва илк темир даврлари	Neolithic, Bronze and early Iron Age	Неолит, бронза и РЖВ	Археологик даврлар хисобланади.
Плейстоцён	Pleistocene	Плейстоцён	(юнончада πλεῖστος) бундан 2,588 миллион йил аввал бошланиб 11,7 минг йил аввал тугаган геологик даврлардан бири.
Тўртламчи давр ёки антропоген даври	Quaternary period, or anthropogenic	Червертичный период или антропоген	Бундан 2,588 миллион йил аввал бошланиб хозирга қадар давом этмоқда.
Петрография	Petrography	Петрография	Бу геология фани бўлиб, у тоғ жинсларни ҳар томонлама ўрганади.
Геохронология	Geochronology	Геохронология	Ернинг ёшини йиллар билан ифодалаб бериш
Архей эраси	Archaea	Архей	Геологик даврлардан бири бўлиб, Бу эрада ерда хали хайвон организмлари кам ва ўсимлик организмлари бўлмаган
Кайнозой эраси	Cainozoe	Кайнозой	Учламчи ва тўртламчи

			даврлардан иборат.
Тўртламчи давр	Quaternary period	Червертичный период	Яъни инсоният пайдо бўлган давр антропоген даври деб ҳам юритилади.
Плейстоцен	Pleistocene	Плейстоцен	Буюк музликлар мавжуд бўлган давр ҳисобланади
Питекантроп	Pithecanthrope	Питекантроп	археология фанида Ното erectus деб юритилади ва 1981 йилда голландиялик олим Э.Дюбуа томоиндан Индонезиянинг Ява оролидан топилган.
Австралопитекус афаренсис	Australopithecus afarensis	Австралопитекус афаренсис	бундан 4-2,5 миллион йил аввал Шарқий Африкада истиқомат этган.
Олдувей	Olduvai	Олдувей	Африка худудида аниқланган дастлабки тош даври маданияти.
Хомо сапиенс	Homo sapiens	Хомо сапиенс	Юқори палеолит даврида яшаган ибтидоий аждодимиз.
Номо ва унга тегишли дастлабки тошқуроллар	Homo and his early work tool	Номо и его ранние орудие труда	2.5 миллион йил аввал Шарқий Африка худудида пайдо бўлади.
Хомо Эргастер-Хомо Эректус	Homo ergaster—Homo erectus	Хомо Эргастер-Хомо Эректус	Ибтидоий аждодларимизнинг Африкадан Евроосиёга

			дастлабки миграциясини бошлаб берган
Селунгур	Selengur	Селунгур	Ўзбекистон тош даври ёдгорлиги
Кулбулоқ ёдгорлиги	Kulbulyak	Кулбуляк	Ўзбекистон тош даври ёдгорлиги
Қадимги тош асри	Paleolith	Палеолит	Қадимги тош даври.
Зинжантроп	Zinjanthropus	Зинжантроп	Танзаниянинг Зинжи қишлоғидан топилган одам..
Питекантроп	Pithecanthrope	Питекантроп	(юнонча “pitekos” – маймун, “antropos” – одам) Индонезиянинг Ява оролидан топилган энг ыадимги одам.
Хомо сапиенс	Homo sapiens	Хомо сапиенс	Юқори палеолит даврида яшаган ибтидоий аждодимиз.
Хитой одами	Sinanthropus	Синантроп	Хитой одами.
Хомо Хабилис	“Homo habilis”	Хомо Хабилис	“ишбилармон одам”.
Хомо Эректус	Homo erectus	Хомо Эректус	тўғри тик юрувчи одам
Антропология	Anthropology	Антропология	Одамни ўрганувчи фан
Ўрта Шарқ атамаси	Near East	Ближний Восток	-(инглиз тилида Middle East) Британиянинг Ҳиндистон ишлари бўйича қўмитаси томонидан 1850 йилда

			қўлланилган.
Эль-Маслук ёдгорлиги	Monument El Masluk	Памятник Эль-Маслук	1969 йилда Колумбия университети археологлари томонидан Ливаннинг шимолий қисмида топиб ўрганилган.
Убейдия	Ubaid	Убейдия	(плейстоцен даври археологик ёдгорлиги ҳисобланади
Табун ғори	Tabun Cave	Пещера Табун	Исроилдаги Кармел тоғида жойлашган археологик ёдгорлик.
Кебара ғори	Cave Kebara	Пещера Кебара	ўрта тош даврига оид бўлиб, Исроилдаги Кармел тоғида жойлашган. Бундан 60-48 минг аввал ушбу ғор макони аждодларимиз томонидан ўзлаштирилган
Схул ғор макони	Cave Es Skhul	Пещера Схул	палеолит даври ёдгорлиги ҳисобланиб, Исроил худудида жойлашган.
Кафзех	Monument Kafzeh	Памятник Кафзех	палеолит даври ёдгорлиги ҳисобланиб, Исроил худудида жойлашган.
Дарраи -Кур	Darraai -Kur	Дарраи -Кур	Афғонистон худудида

			жойлашган тош даври ёдгорлиги.
Ашел	Ashell	Ашел	палеолит даврининг илк босқичи
Мустье	Moustier	Мустье	палеолит даврининг ўрта босқичи
Ориньяк, Солютре Мадлен	Aurignacian, Solutrean and Madeleine	Ориньяк, Солютре Мадлен	Франция худудида жойлашган палеолит даври ёдгорлиги
Неандертал одами	Neanderthal	Неандертальский человек	илк бора Германиянинг Фелдгофер ғоридан топилган.
Тейжа	Teyzha	Тейжа	(Франция) яқинидаги ғордан топилган суякка ишланган
Ибтидоий санъат	Prehistoric art	Первобытное искусство	п археологик даврлардан бири юқори палеолит даврида вужудга келган
Ласко	Lasko	Ласко	Францияда жойлашган палеолит даври тасвирий санъатларини ўзида мужассамлаштирган ғор макон ёдгорлиги
Алтамир	Altamir	Алтамир	Испанияда жойлашган палеолит даври тасвирий санъатларини ўзида мужассамлаштирган ғор

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фааровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли

Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябр “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябр “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябр “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Archive Principles and Practice. Crown copyright. 2011.
2. Archives terminology – select terms. Prepared by M. Hadly and M. Gourlir for the ASA Archives Institute, 2006.
3. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
4. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010ю.204.
5. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
6. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
7. Jhon Ridener. From Polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. USA, 2007.
8. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
9. Mamarahimova B.I. Buyuk ipak yo`li - sivilizatsiyalararo muloqot yo`li. O`quv qo`llanma. T. 2010. pdf.
10. Millar, Laura. Appraising and Acquiring Archives. In Archives: Principles and Practices, 115-143. New York: Neal-Schuman, 2010.
11. Saidov Sh. J. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi (Eng qadimgi davrlardan milodiy VII-VIII asrlargacha). O`quv qo`llanma. T.: ToshDSHI. 2010. pdf.
12. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
13. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. –

14. Белкин В.В. Основы геологии. Учебное пособие. Пермь-Березники. 2008. pdf.

15. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

16. Богданов И.И. Палеоэкология. Учебное пособие. М. Изд. «ФЛИНТА». 2011.

17. Гулобод Кудратуллох кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

18. Деревянко А.П. Петрин, В.Т. Таймагамбетов Ж.К. Феномен микроиндустриальных комплексов Евразии Археология этнография и антропология Евразии. М., 2000.

19. Древние памятники Синьцзяна/ Межконтинентальное издательство Китая, 2016.

20. Зубов А.А. Становление и первоначальное расселение рода “Номо”. Санкт-Петербург. 2011.

21. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик кўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

22. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

23. Индия и Центральная Азия (до Исламского периода). Ташкент, 2000.

24. Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. Ташкент: НУУз, 2012.

25. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

26. Карапетьянц И.В, Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. М., 2007. 230 с.

27. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. “YURIST-MEDIA MARKAZI” нашриёти. Тошкент. 2008.

28. Лунина С.Б. Археология Средней Азии. Учебное пособие. Ташкент. 1986. pdf.

29. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик кўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

30. Общая палеоэкология с основами экологии. Учебное пособие. Под редакцией Г. Н. Киселева. Издание третье, дополненное. Санкт - Петербург. 2005.

31. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf

32. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства и культуры Центральной

Азии Ташкент, 2005.

33. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси - давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т.2011. pdf

34. Рындина Н.В., Дегтярева А.Д. Энеолит и бронзовый век. Учебное пособие по курсу «Основы археологии». Изд. МГУ.2002.

35. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1996. pdf.

36. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 2004. pdf.

37. Сарианиди В.И., Маргуш. Древневосточное царство в стройдельте реки Мургаб. Ашгабад. 2002.

38. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т., 2000. doc.

39. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

40. Хорхордина Т.И., Прозорова В.Б., Мазин К.А. Всеобщая история архивов. Часть 1. М.: РГГУ, 2019.

41. Цеменкова С.И. История архивов России с древнейших времен до начала XX века. Учебное пособие. Екатеринбург: Изд-во Уральск. ун-та, 2015.

42. Чистяков А.А., Макарова Н.В., Макаров В.И. Четвертичная геология. Учебник. М. Изд. «ГЕОС».2000. Djvu.

43. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Тошкент. 2008. pdf.

IV. Интернет сайтлар

44. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

45. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

46. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

47. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

48. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

49. [https:// www.history.ru](https://www.history.ru)

50. [https:// www.natura.com](https://www.natura.com)

51. [https:// www.archaeology.ru](https://www.archaeology.ru)

52. <https://www.archaeology.com>